AUDIT INCOME

AUDIT INCOME LLC

Bl. 2/15, 3A Sarabuston
Tashkent, 100031, Uzbekistan
Tel.: +998 (71) 256-25-18
Tel.: +998 (71) 254-06-08

Изоҳлар билан фикр билдирилган
«SHAHRISABZ VINO-AROQ» акциядор жамиятининг
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«SHAHRISABZ VINO-AROQ» акциядорлик жамияти (бундан буён Жамият) 2014 йил 04 декабрдаги 351-сонли қайд гувохномаси (10491), СТИР – 200672734, ОКЭД 11010. Манзил: Шахрисабз ш.,. Ипак йули кучаси, 170 уй, тел. 375-521 16 25.

«SHAHRISABZ VINO-AROQ» Акционерлик жамиятининг 2019 йил учун Молия хисоботдорлиги текширилди.

«AUDIT INCOME» Аудитор ташкилоти.

Манзил: Тошкент ш., Сарабустон куч. 3-А, 2/15 бино.

СТИР 202344775, ОКЭД - 69202, тел:71 256-25-18

399-сон қайд гувохномаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 24 июлда берилган.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун 2019 йил 29 мартдаги АФ № 00743 серияли лицензия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилди.

12.07.2019 йилдаги №13/00/00-6485-01- сон аудиторлик ташкилотининг профессионал жавобгарлиги суғурта полиси суғурта СК МЧЖ «Tashkent insurancegroup» компанияси томонидан берилди. 14.08.2017 йилдаги 00220 –сон.

Аудиторлик текширувни ўтказиш бўйича 28.04.2020 йилдаги хизмат кўрсатиш 40/2020-сон шартномаси.

Биз «AUDIT INCOME» Аудитор ташкилоти аудиторлари: Абдукаримова Р.А. (аудиторнинг 2019 йил 07 февралдаги 005589- сон малакавий сертификати) ва аудитор Зукаль С.Т. (аудиторнинг 2007 йил 18 декабрдаги 04498- сон малакавий сертификати) томонидан «SHAHRISABZ VINO-AROQ» АЖ хўжалик юритувчи субъектининг 2019 йил учун молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлигини мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилди, у қуйидагилардан иборат:

- «Бухгалтерия баланси»
- «Молия натижалари тўғрисида хисобот»
- «Капитал ўзгаришлари хақидаги хисобот»
- «Пул маблағларининг 2019 йил учун харакати»

«AUDIT INCOME» МЧЖ аудиторлик ташкилоти раҳбари - Чурсина Татьяна Александровна (аудиторнинг 2015 йил 07 ноябрдаги 005350- сон малакавий сертификати).

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "SHAHRISABZ VINO-AROQ" АЖ илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва Жамиятнинг бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз Жамиятнинг аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амаллорини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкилоти фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

Асосий фаолият турлари бўйича айрим улгуржи харидорлар шартнома шартларини бажармаяпти. Бу эса келажакда қайтариб бўлмайдиган дебиторлик қарздорлик пайдо бўлиши ва унинг купайиши хавфига олиб келиши мумкин. Жамиятда айланма маблағларнинг доимий танкислиги аникланди. Жамият ички назоратни етарли жараёнларини, режалашнинг ҳужжатли расмийлаштиришни олиб бормайди ва назорат жараёнларни бажарилиши фаолият ҳажмлари ва характерини қониқтирмайди. Баъзи курсаткичларни яхшилаш учун жамият, хар кандай усулларни куллашга йул куймокда. Жамият рахбарларининг курсатилган саволлар ва камчиликлар буйича режалари ва мажбуриятлари ушбу хулосага бириктирилди.

Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, " SHAHRISABZ VINO-AROQ " АЖнинг 2019 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

«AUDIT INCOME» МЧЖ раҳбари _____ Чурсина Т.А
аудиторнинг 2015 йил 07 ноябрдаги 005350-сон малоковий сертификати

Аудитор _____ Абдукаримова Р.
аудиторнинг 07.02.2019 даги 005589-сон малакавий сертификати

Аудитор Зукаль С.Т. _____ Зукаль С.Т.
аудиторнинг 18.12.2007 йилдаги 04498-сон малакавий сертификати

2020 йил 09 сентябр. Тошкент ш., Узбекистон